



ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бобобеков Бахром Каххарович
Жиззах политехника институти
ORCID: 0009-0006-1773-6622
borya25878@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ижросини таъминлашга қаратилган корхоналарнинг иқтисодий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган маблағлардан бири, товар-моддий захирларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ҳисобини ташкил этиш масалалари кенг ёритиб берилган. Хусусан, амалдаги 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” номли миллий стандарт қоидаларини методологик жиҳатдан халқаро стандартларга уйғунлаштириш мақсадида илмий таклиф ва амалий тавсилар шакллантирилган.

Калит сўзлар: товар-моддий захира, тан олиш, баҳолаш, халқаро стандартлар, молиявий ҳисобот.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ

Бобобеков Бахром Каххарович
Джизакский политехнический институт

Аннотация. В статье одним из важных средств в хозяйственной деятельности предприятий является обеспечение реализации решения Президента Республики Узбекистан № 4611 от 24 февраля 2020 года «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты производства». Финансовая отчетность» заключается в организации расчета товарно-материальных запасов на основе требований международных стандартов финансовой отчетности, вопросы финансовой отчетности освещены подробно. В частности, сформулированы научные предложения и практические рекомендации в целях методической гармонизации положений национального стандарта действующего БГМС № 4 «Товарные резервы» с международными стандартами.

Ключевые слова: запасы, признание, оценка, международные стандарты, финансовая отчетность.

ISSUES OF IMPROVING INVENTORY ACCOUNTING IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS

Bobobekov Bakhrom Kakharovich
Jizzakh Polytechnic Institute

Abstract. *In the article, one of the important funds in the economic activity of enterprises aimed at ensuring the implementation of the decision of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4611 dated February 24, 2020 "On additional measures for the transition to international standards of financial reporting" is to organize the calculation of inventories based on the requirements of international standards of financial reporting issues are covered in detail. In particular, scientific proposals and practical recommendations have been formed in order to methodologically harmonize the provisions of the national standard of the current BHMS No. 4 "Commodity reserves" with international standards.*

Keywords: *inventory, recognition, valuation, international standards, financial reporting.*

Кириш.

Жаҳон мамлакатлари компаниялари фаолиятида товар-моддий захиралар роли катта бўлиб, бу айланма маблағларни етарли даражада бўлиши молиявий фаолиятини мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Статистик маълумотларига кўра, йирик компанияларнинг айланма маблағлар таркибида товар-моддий захираларнинг улуши ўсиб бориш тенденциясига эга, жумладан бугунги кунда: "Mercedes Benz Group" (Германия)да 25,9 фоиз, "Hisense Electric Co Ltd" (Хитой) - 25,0 фоиз, "Mitsubishi Heavy Industries, Ltd" (Япония) - 28,9 фоиз, "Gazprom PJSC" (Россия) - 31,3 фоиз, "Samsung Electro-Mechanics" (Жанубий Корея) - 40,6 фоиз ҳамда "Boeing Co" (АҚШ) - 72,4 фоизни ташкил этмоқда.

Мазкур товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тартиби бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари "Захиралар" (БҲХС 2) номланган стандартда керакли қоидалар ўз ифодасини топган. Шундай бўлсада, мазкур стандартни амалиётга жорий этиш ёки стандарт қоидаларига мувофиқлаштириш масалалари муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги ПҚ-4611-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган (Қарор, 2020). Айнан биз тадқиқот ўтказаяётган товар-моддий захиралар бўйича ҳам корхоналардаги меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масаласи туради.

Адабиётлар шарҳи.

Одатда товар-моддий захиралар тушунчаси кенгроқ бўлиб, унинг таркибига таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини ўз ичига олади. Товар-моддий захираларга молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва республикамиздаги бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатларда берилган таъриф ва тушунчаларга тўхталиб ўтаемиз.

Жумладан, "Захиралар" (БҲХС-2) деб номланган бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида Товар-моддий захираларга батафсил тушунча берилган ва унинг моҳияти тўлиқ очиб берилган. Мазкур стандартнинг мақсади товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборатлиги кўрсатиб ўтилади.

Захираларни ҳисобга олишнинг асосий масаласи актив сифатида тан олинмаган ва тегишли тушумлар тан олинмагунча келгуси даврларга ўтказиладиган сарфлар суммасини аниқлашдан иборат бўлиб, мазкур стандарт талабларига кўра, "таннархни

аниқлаш ва уни харажат сифатида кейинги тан олиниши, шу жумладан уни ҳар қандай соф сотиш қийматигача камайтирилиши бўйича кўрсатмалар беради. Шунингдек, унда сарфларни захиралар қийматига олиб боришда фойдаланиладиган таннархни ҳисоблаш формулалари бўйича муҳим услубий қоидалар келтириб ўтилган. Ушбу стандартда товар-моддий захирага қуйидаги таъриф келтириб ўтилган: “Заҳиралар: одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган, сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган; ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган хом ашё ёки материаллар шаклида бўлган активлардир”¹⁹.

Товар-моддий захиралар тушунчасига бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида қуйидаги таъриф берилган: “товар-моддий захиралар - фаолият юритиш жараёнида кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар” (Буйруқ, 2020).

БҲХС 2 талабларига мувофиқ, товар-моддий захиралар таннархи ва соф сотиш қийматининг энг ками бўйича баҳоланади. Активларни энг кам баҳолаш қоидаси эҳтиёткорлик (консерватизм) тамойилига асосланади. Бундай ёндашув кредиторлар учун баланснинг аҳамиятини оширади.

Сотиб олиш мумкин бўлган соф қиймат оддий бизнес шароитида сотиб олиш ва сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда тахминий сотиш нархини билдиради. Сотиб олиш мумкин бўлган соф қиймат корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, корхона маҳсулотларни харидорларга бозор нархларига асосланмаган, келишилган нархларда жўнатганда, соф сотиш нархи бозор нархини акс эттирмаслиги мумкин.

Республикамизда иқтисодчи олимлар томонидан товар-моддий захираларнинг моҳияти, уларни таснифлаш ва баҳолаш масалалари кенг ўрганилган, жумладан Ибрагимовнинг (2008) фикрича: “товар-моддий захиралар - фаолият юритиш жараёнида фойдаланиладиган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида, шунингдек, маъмурий вазифаларни амалга оширишда фойдаланиладиган айланма маблағлардир”.

Каримов ва бошқ. (2004) асарида товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш захиралари сифатида ўрганилган ва уларни хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди деб ўз фикрларини баён этганлар.

Раҳмонов (2016) “товар-моддий захиралар таркибига тўхталиб, улар таркибига қуйидагиларни киритган: товар-моддий захиралар - капитал доиравий айланишининг биринчи босқичидаги моддий активлар, яъни ҳали ишлаб чиқариш жараёнига берилмаган ва ўзларининг натурал-моддий шаклини тўлиқ сақлаб турган ишлаб чиқариш захираларидан иборат”.

Ачилов (2019) “ишлаб чиқариш корхоналарининг айланма маблағларнинг таркибидаги моддий активлар, яъни корхоналарнинг айнан бир маҳсулот турларини яратиш хусусиятларидан келиб чиқиб, хом-ашёлар, ярим тайёр маҳсулотлар, кимё саноати корхоналаридаги реагентлар, тайёр маҳсулотлар, сотиш учун мўлжалланган товарлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга мўлжалланган кимёвий чиқиндилардан иборат”.

Ташназаров (2017) “миллий стандартимизда товар-моддий захираларга берилган таърифда “...маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш” деган жумлани олиб ташлаш керак, деб ўйлаймиз, чунки бу жумлалар узоқ муддатда фойдаланиладиган моддий активларнинг таърифида ҳам келтирилган”.

¹⁹ “Заҳиралар” БҲХС 2. 2-банд. Расмий таржима. 2022 йил.

Хайтбоев (2023) “Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган моддий активлар ҳисобланиб, уларнинг қиймати тайёр маҳсулотлар қийматига тўлиқ ўтказилади. Улар харажатлар таркибида энг катта улушни эгаллайди ва молиявий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатади”.

Демак, хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган иқтисодий ресурслар бўлиб, ўзининг қийматини бошқа бир маҳсулот қийматига тўлиқ ўтказиши, корхоналарнинг жорий активлари таркибида деярли салмоқли улушга эга бўлади ва корхонанинг молиявий ҳолатига бахҳо беришда энг муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот методологияси.

Товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масаласида республикамиздаги ва хориждаги меъёрий ҳужжатларга кенг эътибор қаратилди. Товар-моддий захиралар ҳисобини методологик жиҳатдан такомиллаштиришда амалдаги 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” номли стандартнинг тегишли бандларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича услубий кўрсатмалар берилди ва бунда бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Товар-моддий захиралар активлар таркибида муҳим ўрин эгаллайди ва ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, уларни актив сифатида танолиниши муҳим аҳамият касб этади. Қуйида республикамизда энг йирик акциядорлик жамиятлардан бири “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖда мавжуд товар-моддий захиралари ҳақида таҳлилий маълумотлар келтириб ўтилади.

1-жадвал

“Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятида товар-моддий захираларнинг таркиби

минг сўмда

Баланс кўрсаткичлари	2024 йил 1 январь ҳолатига	2024 йил 1 декабр ҳолатига	Ҳисобот йили бошига нисбатан ўзгариши, %
Жами товар-моддий захиралар, шу жумладан:	1848 841 271	2106 674 637	114,1
Ишлаб чиқариш захиралари	1034 158 600	907454 861	87,8
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	353609 903	493483 044	139,6
Тайёр маҳсулот	459646 626	704777 364	153,3
Товарлар	1426 142	959368	67,2
Жами активларга нисбатан улуши, %	18,6	17,2	92,4
Жорий активларга нисбатан улуши%	27,8	38,4	138,1

Манба: “O‘zbekiston metallurgiya kombinati” aksiyadorlik jamiyati бухгалтерия баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <https://new.openinfo.uz/reports/jsc/annual/5197>.

Жадвал маълумотларига кўра “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖда товар-моддий захиралар ҳолати ижобий кўринишга эга. Сабаби бу активлар ҳисобот даври бошига нисбатан 114,1 фоизга ортган (ёки +257833366 минг сўм). Буни корхонада тугалланмаган ишлаб чиқаришни 139,6 фоизга (+139873141 минг сўм) ва тайёр маҳсулотларни 153,3 фоиз (+245130738 минг сўм) ортганлиги билан изоҳлаш мумкин. Корхонада ишлаб чиқариш захиралари ҳисобот даври бошига нисбатан 87,8 фоизга камайган (-126703739 минг сўм) ҳамда товарлар миқдори ҳам 67,3 фоизга камайган. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш хажмининг ўсиши ва харидорлар томонидан тайёр

махсулотларни сотиб олиниши билан баҳоланади. Ўз навбатида корхонада товар-моддий захиралар жами активларга нисбатан ҳисоботдаври бошида 18,6 фоизни ва йил якунида 17,2 фоизни ташкил қилган. Ўз навбатида товар-моддий захираларнинг жорий активларганисбатан улуши 27,8 фоиздан 38,4 фоизга ўсган. Бу эса корхонада айланма маблағлар миқдорининг ортганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча амалдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунга “Активлар ва мажбуриятларни тан олиш” номли моддани киритиш мақсадга мувофиқ. Халқаро стандартлар талабларида активлар ва мажбуриятларни тан олиш масаласи муҳим ҳисобланади. Тан олинган ёки мезонларга тўғри келган активлар корхонанинг молиявий ҳисоботларида акс эттирилади. Демак, тан олиш масаласи харид қилинган, ўзида яратилган ёки бошқа ҳолатларда келиб тушган активларни корхона активларига киритиш ёки киритмаслигини белгилайди. Шу нуқтаи назардан қонунда қуйидаги жумлалар акс эттирилиши зарур:

“Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда келгусида иқтисодий наф олиш эҳтимолига эга бўлган ҳамда қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлган активлар ва мажбуриятларнинг тан олиниши бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгиланади”.

Юқоридаги таклиф этилаётган модда ўйлаймизки, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) янада мувофиқлаштириш имкониятини яратади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг 3-бандига асосан амалдаги 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” номли стандартни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ уйғунлаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар берилмоқда:

- стандартнинг 2-банди 5-чи жумла бўйича: “товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши бўйича молиявий натижаларни аниқлаш ҳамда молиявий ҳисоботларда улар ҳақидаги маълумотларни ёритиб бериш тартиби” деб қайта таҳрир қилиш;

- стандартнинг 3-бандида берилган таърифлар бўйича: “Товар-моддий захиралар - одатдаги фаолият натижасида сотиш учун мўлжалланган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳамда хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган хом ашё ёки материаллар шаклида бўлган активлардир”;

“Соф сотиш қиймати - одатдаги фаолият фаолият давомида товар-моддий захираларни ишлатиладиган ҳолатга келтириш харажатлари ва сотишни амалга оширишда зарур бўлган харажатлар чегирилган ҳолдаги сотиш нархидир” деб қайта таҳрир қилиш;

- стандартнинг 3-бандидаги жорий қиймат ўрнига қуйидаги тушунчани киритиш мақсадга мувофиқ: “Ҳаққоний қиймат - товар-моддий захираларни баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасида одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх”.

- стандартнинг 4-моддасида товар-моддий захиралар таркибидан “боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсизга чиқарилган катта ёшдаги чорва моллари, сотиш учун четдан қабул қилинган чорва моллари” жумласини чиқариб ташлаш ва бу бўйича МҲХСга мувофиқ “Қишлоқ хўжалиги” номли БҲМСнинг янги лойихаси таркибида ифодалаш мақсадга мувофиқ. Чунки, халқаро 2-сон БҲХСда захираларни таркибида асосан харид қилинган ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар, шу жумладан, чакана савдо ташкилоти харид қилган ва қайта сотиш учун мўлжаллаган товарлар ёки қайта сотиш учун мўлжалланган ер ва бошқа мулкларни ўз ичига олиши, шунингдек, ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб

чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган хом ашё ва материалларни ўз ичига олиши кўрсатиб ўтилган;

- стандартнинг 15-бандига: “товар-моддий захираларнинг харид қилиш сарфлари бўйича савдо чегирмалари, рибейт чегирмалар ва шу кабилар харид қилиш сарфларидан чегирилади” жумласини киритиш, бу ерда амалиётимиз учун янги атама бўлган “рибейт” тушунчаси чегирма маъносида келиб, дистрибюторлар ёки дилерларга тўланадиган товарларни сотиб олиш ва шартнома шартларини бажариш учун маблағларнинг бир қисмини қайтаришдир.

Бизнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётида ҳам бошқа ривожланган давлатларда қўлланилаётган тўлов учун “retro bonus” дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Рибейтнинг афзаллиги ҳар қандай “retro bonus” тизими сингари доимий шерикларни топишга ва уларнинг ишончини қозонишга имкон беради. Агар дистрибютор товар-моддий захираларни сотиб олишда яхши чегирма олса, у бошқа етказиб берувчини қидириб юрмайди ва унга сиз билан ҳамкорликни давом эттириш фойдали ҳисобланади.

- 4-сон БҲМСнинг таркибига “Бошқа сарфлар” номи билан янги бўлимни киритиш ва унинг таркибига амалдаги 17-моддани тўлиқ ўтказиш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ қуйидаги моддаларни қўшиш лозим:

“Товар-моддий захиралар таннархига киритилмайдиган ва улар юзага келган давр харажатлари сифатида тан олинадиган харажатлар:

меъёрдан ортиқ сарфланган хом ашё, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари суммаси;

ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичига ўтиш учун ишлаб чиқариш жараёнида сақлаш харажатлари талаб этилмаган ҳолатлардаги сақлаш харажатлари;

товар-моддий захираларни жойлашган жойи ва ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий ва устама харажатлар;

товар-моддий захираларни сотиш билан боғлиқ харажатлари”.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштиришда қуйидаги айрим жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

биринчи, товар-моддий захирлар бўйича амалдаги 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” номли стандарт қоидаларини методологик жиҳатдан халқаро стандарт талабларига яқинлаштириш;

иккинчи, товар-моддий захираларни тан олиш, уларни баҳолаш масалаларида халқаро стандартдаги услубиётни кенг жорий этиш;

учинчи, товар-моддий захираларни киримга олиш ва уларни ҳисобдан чиқариш, шунингдек, инвентаризациясини ташкил этиш бўйича корхоналардаги ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида аниқ белгилаб олиш;

тўртинчи, товар-моддий захиралар ҳақидаги маълумотларни молиявий ҳисоботларда ишончли ва аниқ ёритиб бериш юзасидан ягона услубиётни жорий этиш.

Ўйлаймизки, биз томонимиздан берилган таклифлар амалдаги 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” номли стандартни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларига янада яқинлашиш ва бир ҳиллаштириш, шунингдек корхоналарда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керакли ахборотларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Ачилов А.Н. (2019) Кимё саноати корхоналарида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш. / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. –Т.: -54 б.

Бўйруқ (2020) “Товар-моддий захиралар” БҲМС 4, 3-банд. 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” (АВ томонидан 30.06.2020 й. 3259-сон билан рўйхатга олинган молия вазирининг 28.05.2020 й. 24-сон буйруғи билан тасдиқланган).

Ибрагимов А. (2008) Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.:

Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. (2004) Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т: «Шарқ» НМАК. 592-бет. 235-бетдан.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарор. 2020 йил 24 феврал. <https://lex.uz/docs/4746047>.

Рахмонов Н.Р. (2016) Товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш: 08.00.08: и.ф.н... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т.: -22 б.

Ташназаров С.Н. (2017) Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь.

Хайтбоев М.И. (2023) Товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. 08.00.08-“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” иқтисослиги бўйича Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа фан доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. авт.